

**ХУҚУҚШУНОСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Хамрақулов Зафаржон Йигиталиевич

Кўйғон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация: Мазкур мақолада ҳуқуқшунослик фанларини ўқитишида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишинг умумий педагогик асослари берилган. Шунингдек, машғулотлардан самарали фойдаланиши учун тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқшунослик, педагог, таълим, ҳуқуқ соҳалари, муаммоли таълим, кейс-стади, ўйин педагогик технологиялари.

Ўзбекистон Республикасида олий ва ўрта махсус таълимни янада модернизация қилиш, илм-фанни ривожлантирган ҳолда ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва таълим ташкилотларининг сифатли фаолият юритишини таъминлаш йўли билан мамлакатимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат ва жамиятнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5763-сон Фармонида “... таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда ўқитишининг илғор шакллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” зарурлиги хусусида фикр юритилган [1].

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини мазмунан қайта кўриб чиқиш, олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлашни халқаро стандартлар даражасига кўтариш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш мақсадларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2909-сон Қарори ҳам олий таълим даражасини сифат жиҳатдан такомиллаштириш мақсадларини белгилаган [2]. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим ташкилотларида фаолият юритувчи ўқитувчилар учун бир қанча вазифаларни юклайди. Унга кўра, ўқитувчи ҳар бир машғулотнинг мазмунли ташкил этиш учун қўргазмали куроллар, янги ахборотлар, зарурий материаллар тайёрлаши, таълим олувчиларга кўрсатиши, тушунтириши, бунда уларнинг ўз устиларида ишлаш малакаларини ошириш, бундан ташқари, замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиши талаб этилади. Мазкур усулда фаолият юритувчи педагог мавзуунинг ўқувчилар томонидан тез ўзлаштириб олининишини таъминлайди.

Ҳуқуқшунослик фанларини ўқитишида замонавий таълим технологиялари талабаларга чуқур билим бериш, ўқитиши самарадорлигини ошириш, дарсдан

кўзланган мақсадга осон йўллар билан эришиш имконини беради. Ўқитувчи фойдаланадиган технологиялардан маъруза, семинар, леборатория ва мустақил ишларни йўлга қўйишда фойдаланиш педагог меҳнатини енгиллаштиради. Назарий ва амалий машғулотлар ўрганилаётган фаннинг предмети ва объектини, унинг ривожланиш қонуниятларини ўзлаштириш орқали таълим олувчининг манбалар билан ишлаш малакасини ривожлантиради. Талабалар ижодий қобилиятини ҳамда хотираси мустаҳкамлигини таъминлайди [3].

Ҳукуқшунослик фанларини ўқитишида замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқишида ҳукуқ соҳаларининг предмети ва мақсадлари, юридик таълим беришнинг ўзига хос жиҳатлари, таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган кўникма ва малака талабларининг инобатга олиниши талаб қилинади.

Ҳукуқшунослик фанларининг тадқиқот обьекти ўрта мактаб доирасида ўрганиладиган ҳукуқ соҳалари ва институтларига қараганда анча катта бўлиб, у давлат фаолиятининг таркибий қисмига киради. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб боришига мутаносиб равишида такомиллашиб боради. Янги ижтимоий муносабатлар ҳукуқ нормаларининг янгидан ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабабчи бўлади. Ҳукуқшунослик фанидан дарс берувчи педагог булярнинг барчасидан хабардор бўлиб бориши керак. Шу аснода талабаларни ҳам қонунчиликдаги янгиланишлар билан таништириб бориши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсларда қўлланиладиган замонавий таълим технологиялари кириш, концептуал асослар ва хулоса қисмига эга бўлади. Зеро қўлланиладиган таълим технологиялари муайян структура ва ички уйғунликка эга бўлса, унинг қўлланилишидан кўзланган мақсадга шунчалик муваффақиятли эришилади.

Технологиянинг кириш қисмida ҳукуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишидаги долзарблиги масалалари асослантирилади. Мазкур фан ёки мавзу бўйича замонавий таълим технологиясининг зарурлиги, назарий ва амалий машғулот ўтилишига мувофиқлиги юзасидан материаллар баён қилинади.

Ҳукуқшунослик фанлари доирасида қўлланиладиган технологиянинг концептуал асослари: 1) ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, мавзунинг ёритилиши учун қулайлиги; 2) ўқув дастури ва режасидаги мавзуга мувофиқ келиши; 3) мавзуни лойиҳалаштиришда технологиянинг кулай томонларининг танланиши; 4) ахборот ва бошқарув учун услубий асосларнинг мослиги ва бошқа мезонлардан иборат бўлади. Мавзуни ёритиб бериш ёки ўрганиш учун кўп вақт талаб қиласидиган, талабаларнинг ўзлаштиришлари учун қийин бўлган технологияларнинг танланиши педагог учун ҳам муаммо туғдиради. Шу боис, технологиянинг концептуал асослари ўрганилаётган мавзунинг осон ўрганилишига хизмат қилиши керак.

Ҳукуқшунослик фанларини ўқитиши жараёнида ўқитувчи таълимнинг мақсад ва вазифаларини қанчалик аниқ тушунтириб бера олса, талабалар мавзуда ўрганилиши керак бўлган муаммоларни шунчалик тез илғай оладилар. Бу ушбу мавзу бўйича

үрганилиши керак бўлган масалалар юзасидан қўлланиладиган технологиянинг дарсга тез сингишини таъминлайди.

Хукуқшунослик фанлари учун нисбатан қулайроқ бўлган муаммоли таълим, кейс-стади ва ўйин технологияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Зеро мазкур технологиилар ёрдамида дарсдан кўзланган мақсадга тезроқ эришиш ва талабаларни қизиқиши доирасини кенгайтириш мумкин.

Муаммоли таълим технологиялари талабаларнинг кичикроқ тадқиқотларни амалга ошириш, муайян масалалар юзасидан ижодий изланишларни амалга ошириш, турли фаразлар ҳамда ечимларни илгари суриш, мунозара асосида маълум бир хуносаларга келиш қўниммаларини шакллантиришга ёрдам беради. “Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан педагогик таъсир кўрсатишнинг энг муқобил варианти ёрдамида, фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ва билиш эҳтиёжиникондириш мақсадига йўналтирилган, шахснинг умумий ва маҳсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади” [4]. Мазкур технология талабаларнинг ижодий фаолиятини фаоллаштириш билан бирга, муаммони ҳал қилиш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Муаммоли таълим технологиялари диспозитив характерли нормаларга эга фуқаролик, оила ва меҳнат ҳуқуқи соҳаларига доир фанлар учун тавсия этилади. Чунки мазкур фанлар жиноят ва маъмурий жавобгарлик доирасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи соҳалар сингари ҳуқуқий оқибатнинг кучли таъсирига эга эмас. Муаммоли таълим технологиялари талаба учун бироз зерикарли туюлган ушбу фанларга нисбатан қизиқиши орттиради.

Фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи учун муаммоли баён, ижодий топшириқ, муаммоли фараз, хаёлий муаммоли тажриба, муаммоли вазифа шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Оила ҳуқуқи фани учун муаммоли изланиш, реал воқеликларни таҳлил қилиш, муаммола ечимнинг оптималь вариантини танлаш, ижодий топшириқ каби шакллардан фойдаланиш самарали таъсирга эга бўлади.

Муаммоли таълим технологияларини қўллашда инновацион методлар ва график органайзерларнинг ҳам ўрни каттадир. Зеро мавзуни лойиҳалаштиришда педагог қайси воситадан фойдаланишнинг аҳамияти юқори эканлигини ҳис қила билиши мақсадга мувофиқдир. “Ўқув машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши муаммоли таълимни ҳозирги шароитда долзарб педагогик масалага айлантиреди”[5].

Кейс-стади технологияси конституциявий ҳуқуқ, ҳалқаро ҳуқуқ ва экология ҳуқуқи каби фанлар учун яхши восита бўла олади. Мазкур ҳуқуқ соҳалари ўзининг назарий билимларга бойлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда олий таълим даргоҳларида кенг қўлланилаётган ушбу технология бошқа ҳуқуқий фанлар учун ҳам жуда яхши восита вазифасини бажаради. Талабаларни аниқ ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш орқали энг муқобил вариантни танлашга

йўналтирувчи мазкур технология билимлар уйғунлашувига хизмат қиласди. Талабаларнинг фалсафий дунёқараашларини юксалтириш имконини беради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида татбиқ этилган кейс-стади технологияси юзасидан тадқиқотлар олиб борилаётганлиги эвазига олий таълимда унинг ўрни ортиб бормоқда. Мазкур технологиядан фойдаланиш ўзлаштирилган билимларни янада мустаҳкамлаш имкониятини беради. Бунда кейс-стадининг Гарвард ва Манчестер мактаблари йўналишлари доирасидаги методлардан ҳам бир хилда кенг фойдаланиш мумкин.

Жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқ соҳалари ўрганилаётганда ўйин технологиясининг ролли ўйинлар шакли кутилган натижани беради. Маълум бир субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш жараёнидаги руҳий ҳолатини очиб бериш, ҳуқуқбузарлик юз берган вазиятни тўғри квалификация қилиш учун ролли ўйинлар технологияси ёрдам беради. Мазкур технология муайян тайёргарлик, ижрочиларнинг актёрлик қобилияти ва мазмунли сюжетни талаб қиласди. Уларнинг барчасини бажариш муайян вақтни талаб қиласди. Шундай бўлсада, унинг таъсири талабанинг хотирасида ўчмайди. Ташкил этилган ролли ўйинлар жавобгарлик, жазо, реабилитация, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятдаги иштирокчилик, иштирокчиликнинг шакллари ва турлари, жиноят таркиби каби ҳуқуқ институтларининг моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди.

Ролли ўйинлар технологияси учун педагог бир нечта мавзуда ўрганиладиган масалаларга дахлдор сюжетни танлаши, ролларни тақсимлаши, ижрочиларнинг хатти-харакатларига сайқал бериши тайёргарлик даврида амалга оширилади. Аудиторияда, умумий қўринишли саҳнада ижро этилган сюжет талабалар томонидан мунозара, сұхбат усусларида таҳлил этилиши ҳамда вазиятнинг мураккаб қирралари ўқитувчи томонидан очиб берилиши зарур.

Педагогик тадқиқотларнинг назарий таҳлили замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг ижобий жиҳатларини намоён этмоқда. Шунинг учун таълим ташкилотларида замонавий таълим технологияларини қўллаш, амалга ошириш функцияларини ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳукуқшунослик фанлари талабаларни ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданияти юксалишига хизмат қиласди. Ҳукуқий онги юксак бўлган кадрлар давлат ва жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларни тез илғай олади. Ташқи таҳдидларга нисбатан ҳукуқий иммунитети мустаҳкамланиб боради. Давр талабларидан келиб чиқиб, ҳукуқшунослик фанларидан таълим-тарбия берувчи педагогларни ўз фаолиятларида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишга рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. <https://lex.uz/docs/4415388> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
2. <https://lex.uz/docs/3171590> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори.
3. Иванов Д.А. Компетенции компетентностный подход в современном образовании // Завуч, 2008, №1, - С. 8.
4. Ботирова С.Р. Кимё таълими жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш технологиялари // НамДУ илмий ахборотномаси. Наманган, 2021 й. №11, - Б. 428.
5. Нуруллаев У.А. Ихтисослик фанларни ўқитиш жараёнида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланиш // НамДУ илмий ахборотномаси. Наманган, 2021 й. №11, - Б. 564.